

## Чўлланиш муаммосининг мазмун-моҳияти ва унинг географик жиҳатлари

Истат Элмуродовна Мирзоева  
БухДУ

**Аннотация:** Ушбу мақолада чўлланиш жараёни ва унга таъсир этувчи табиий ва антропоген омиллар, чўлланиш муаммосини келтириб чиқарувчи сабаб ва оқибатлар ҳамда уларнинг географик жиҳатлари тўғрисида фикрлар баён этилган.

**Калит сўзлар:** Чўл, арид, дегредация, эрозия, экосистема, табиий ресурс, тропик ўрмон, антропоген омиллар, тупроқ шўрланиши, чўлланиш.

## The essence of the problem of desertification and its geographical aspects

Istat Elmurodovna Mirzoeva  
BukhSU

**Abstract:** This article describes the process of desertification and the natural and anthropogenic factors that affect it, the causes and consequences of the problem of desertification, and their geographical aspects.

**Keywords:** Desert, arid, degradation, erosion, ecosystem, natural resource, tropical forest, anthropogenic factors, soil salinity, desertification.

Чўлга айланиш деганда, инсоннинг хўжалик фаолияти ва табиий омиллар таъсирида арид ўлкалар экосистемаларининг бузилиши, ҳамма органик ҳаёт шакллариининг деградациялашуви ва натижада бу ҳудудларнинг табиий иқтисодий салоҳиятиниинг пасайиши тушунилади. Чўлга айланишга арид ўлкалар табиий ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ва ерларни кенг кўламда ўзлаштириш сабаб бўлади. Чўлга айланиш масаласи ҳозирги вақтда сайёравий масалалардан бўлиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоларининг таркибий қисмидир.

Чўлланиш - қурғоқчил иқлимли ўлкаларда экологик тизимларнинг бузилиши, улардаги органик ҳаётнинг барча шакллари ёмонлашуви ва натижада табиий-иқтисодий имкониятларнинг пасайиб кетишига олиб келувчи табиий- географик ҳамда антропоген жараёнлар мажмуи.

Бу жараёнлар табиий ўсимликлар турлари ва миқдорининг камайиши, тупроқ эрозияси, тупроқнинг шўрланиши ва унумдорлигининг камайиб кетиши кабилардан иборат. Чўлланиш натижасида чўлларнинг майдони ортади, чўл тавсифли ландшафтлар юзага келади. Ер юзасининг 48,5 млн. км<sup>2</sup> га яқин қисми чўл ва чала чўллардан иборат бўлиб, унинг 10 млн. км<sup>2</sup> га яқини антропоген омиллар таъсирида юзага келган. Арид ўлкаларда чўлга айланиш жараёни, асосан, шу ўлкаларда аҳоли сонининг ўсиб бориши ва қишлоқ хўжалиги ҳамда саноатда табиий бойликлардан тез суръатлар билан фойдаланиш натижасида чўл ландшафтларига инсон хўжалик фаолияти таъсирининг ортиб бориши билан боғлиқдир.

Ўсимликларнинг ёқилғи ва ем-хашак мақсадида ишлатилиши, яйловларда меъридан ортиқча мол боқилиши, йўллар, қувурлар, йирик ирригация каналлари, саноат корхоналари, аҳоли пунктлари каби қурилишлар дефляция жараёнларининг ривожланишига, қум кўчишига, сув балансининг бузилиши эса тупроқни шўр босишига ва ташқи муҳитнинг ифлосланишига, арид ўлкалар шароитида табиатда динамик мувозанатнинг бузилишига, яъни чўлга айланиш жараёнининг кучайишига олиб боради. БМТ Бош қотибининг Сахелдаги (Сахрои Кабирдан жанубда) қурғоқчиликка қарши кураш бўйича ҳукуматлараро қўмигага қилган мурожаатида «яна 50 йил ўтар-ўтмас Африка картасида учта ёки тўртта мамлакатни чўллар босиб мутлақо йўқ қилиб юбориши мумкин» деб ёзилган эди.

Дунёнинг бошқа районларида ҳам чўллар пайдо бўлмоқда. Аллақачон чўлга айланган ёки чўлга айланиш хавфи бўлган ерлар Осиёда, Африка ва Австралияда кўп; Европада, Шимолий ва Марказий Америкада камроқ; Жанубий Америка бу жиҳатдан ўртача ҳолатни эгаллайди. Шундай қилиб, дунёнинг арид ўлкаларида чўлга айланиш турлича интенсивликка эгадир. Африка ва Осиёнинг баъзи чўлларида бу жараён жуда тезлашмоқда.

Ҳозирги вақтда чўлга айланиш ер юзининг кўп жойида тез суръатлар билан рўй бермоқда. Арид ўлкаларнинг чўлга айланиши оқибатида, ҳар йили 50-70 минг км<sup>2</sup> фойдаланиладиган ер ишдан чиқмоқда. Агар экиладиган ерлар 1 кв. км. нинг қиймати АҚШ доллари билан ҳисоблаганда 200 минг доллари туришини назарда тутсак, чўлга айланишдан ҳар йили 10 млрд доллар иқтисодий зарар келяпти. Бунчалик катта маблағ ҳатто 6,3 млрд киши ҳаётида ҳам сезиларли ўзгаришларни содир этади.

Чўлланиш жараёни Ер юзидаги қуруқликнинг 30% га яқин майдонини эгаллаб турган арид (қурғоқчил) иқлимли ҳудудлар учун хосдир. Чўлланиш баъзан ярим нам иқлимли жойларда ҳам кузатилади. Қурғоқчилик эса чўлланиш жараёнининг “хамиртурушидир. “Чўлланиш” атамаси Африканинг нам тропик ўрмонларини ўрганган француз геоботаниги А. Обревил томонидан

1949 йилда фанга киритилган. Чўлланиш атамасининг мазмун- моҳияти ҳақида турлича талқинлар мавжуд. Лекин кўпчилик олимлар чўлланишни ландшафтларнинг (экотизимларнинг) камбағаллашуви, яъни уларнинг биологик маҳсулдорлигининг пасайиши (камбағаллашуви), деб эътироф қиладилар. Чўлланиш жараёнида тупроқларнинг шўрланиш даражаси ортади, шамол, сув эрозияси кучаяди, атмосферанинг таркиби чанг-тўзон аэрозоллари билан ифлосланади, экологик муҳит сифати пасаяди ва ниҳоят жудакаттаижтимоий- иқтисодий, маънавий зарарларга олиб келади. Ўрта Осиё минтақаси, хусусан Ўзбекистон ҳудудида ҳам чўлланиш билан боғлиқ вазият йил сайин жиддийлашиб бормоқда. Бунга асосий сабаб:

- дарахтзорларнинг майдони йилдан йилга камайиши;
- Орол денгизи ҳудудида чўлланиш суръати ошиб, денгиз суви ўрнида қум, туз пайдо бўлиши;
- меъёрдан кўп сувдан фойдаланиш натижасида ернинг сувли эрозияси кўпайиши.

Ўзбекистон Республикасининг 70 фоиздан кўпроқ ҳудуди чўл ва чала чўлдан иборатлигини инобатга олсак, суғориладиган ерларда шўрланиш, ботқоқланиш, шамол ва сув эрозияси, яйловларда ер ости сувлари сатҳининг кўтарилиши, айниқса, Қизилқум чўлидаги Қорахотин, Оёқоғитма, Муллали, Мингбулоқ ботикларида чўлланишнинг оқибатларини яққол кўришимиз мумкин. Орол денгизи сув сатҳининг қуриши туфайли Ўзбекистонда яна кўшимча 5 млн гектардан ортиқ майдонда Оролқум пайдо бўлди. Натижада, ушбу ҳудудда экологик муҳит ёмонлашиб, чўлланиш жараёнлари янада кучайди ва кўплаб ижтимоий муаммоларни юзага келтирди. Охир-оқибат қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларнинг маҳсулдорлиги йил сайин камайиб, озиқ-овқат, ем-хашак ва саноат хом-ашёларини етарли миқдорда етиштириб бериш секинлашмоқда ва етиштирилган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари ҳам пасайиб бормоқда.

Келгусида чўллардан табиий географик жараёнлардан, табиий шароит ва ресурсларидан самарали фойдаланиш учун қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ:

1. Чўл зонасида ҳанузгача хўжалик ишларига зарар келтирадиган кўчма-барханли қумлар катта майдонлари мавжуд. Чўлларда қорасаксовул йўлакларини барпо этиш чўлларга чиройли манзара бахш этиш билан бир қаторда яйловзорларни ва тупроқ қопламани шамол эрозиясидан ҳимоя қилади, чўл ҳуснига ҳусн қўшади.

2. Чўл зонасининг нодир ва ноёб органик дунё вакилларини муҳофаза қилиш учун қўриқланадиган янги ландшафтларни излаш ва уларни ташкил қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

3. Бундан ташкари биологик ресурсларга камбағал бўлган яйловзорлар учрайди. Ушбу ҳудудларни фитомелиоратив тадбирлар орқали биомахсулдорлигини ошириш мақсадга мувофиқ. Бу борада оқсаксовул, қандим, черкез, шувок, изен, илиастралаликабифито мелиоратлардан фойдаланиш лозим.

4. Чўллардан нафақат яйлов чорвачилиги балки, чўл туризми каби соҳаларни ривожлантириш имкониятларини беради.

Юқорида қайд қилинган таклифлар амалга оширилса, чўллардан самарали фойдаланиб, келажак авлод учун замин яратилади. Шу билан бир қаторда, экологик муаммоларнинг олдини олинган бўламиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Z.M. Anvarova, I.D Mirzayeva, N.S Shodiyeva. The factors that influence begetting desertification process. South Asian Journal of Marketing & Management Research 10 (11), 129-132.

2. Mirzayeva, I. (2021). GROUPING AND ASSESSMENT OF TOURISM AND RECREATION RESOURCES OF BUKHARA REGION. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 5(5)..

3. Mavlonov, A. M., Mirzoeva, I. E., Nematov, A. N., & Jalilova, C. Z. (2021). Grouping and assessment of tourism and recreation resources of Bukhara region. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR), 7(6), 1-1..

4. Elmurodovna, M. I. (2022). Alexander Humbold's Scientific Heritage in Geography Field. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 4, 130-133.

5. Mirzayeva, I. (2021). О" RTA OSIYO TOG" LARIDAGI QADIMGI MUZLIKLARINING O" RGANILISHI VA UNING GEOGRAFIK JIHATLARI. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 5(5).

6. Mirzoyeva, I. E., & Tukhtaeva, G. F. K. (2021). Morphological Types Of Central Asian Deserts And Their Geographical Aspects. The American Journal of Applied sciences, 3(05), 136-139.

7. Mirzoyeva, I. E., & Hamroyeva, M. S. (2021). TEACHING THE GEOGRAPHICAL FEATURES OF ECONOMIC AND SOCIAL COOPERATION BETWEEN UZBEKISTAN AND KAZAKHSTAN ON THE BASIS OF" BBB" AND" VENN" DIAGRAMS. Экономика и социум, (6-1), 193-196.

8. Anvarova, Z. M., Mirzayeva, I. D., & Shodiyeva, N. S. (2020). The factors that influence begetting desertification process. South Asian Journal of Marketing & Management Research, 10(11), 129-132.

9. Мирзаева, И. Э. (2017). КУЛЬТУРНОЕ И ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ЗАЩИТЫ ПРИРОДЫ. Ученый XXI века, 43.

10. Мирзаева, И. Э. (2016). Relief forms locality of Karaulbazar-Tudakul territory their connect with landscape. Ученый XXI века, (8).
11. Мирзоева, И. Э. (2016). ҚОРОВУЛБОЗОР-ТЎДАКЎЛ МАВЗЕСИ ОРАЛИФИДАГИ РЕЛЬЕФ ШАКЛЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ЛАНДШАФТЛАР БИЛАН БОҒЛИҚЛИГИ. Учёный XXI века, (8 (21)), 20-22.
12. Мирзаева, И. Э. (2017). CULTURAL AND AESTHETIC IMPORTANCE OF PROTECTING NATURE. Учёный XXI века, (1-1 (26)), 41-43.
13. Komilova, N. K., Egamberdiyeva, U. T., Mirzayeva, S. K., Oblakulov, H. A., & Shadieva, N. S. (2020). Some theoretical issues of social geographical research. Asia Life Sciences, (2), 157-170.
14. Nematov, A., & Shadyeva, N. (2021). ECOTOURISM OPPORTUNITIES IN THE BUKHARA REGION. Экономика и социум, (3-1), 206-208.
15. Шадиева, Н. (2021). Hydrogeological Regime of the Bukhara Oasis. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 8(8).
16. Nematov, A., & Shadyeva, N. (2021). ECOTOURISM OPPORTUNITIES IN THE BUKHARA REGION. Экономика и социум, (3-1), 206-208.
17. Эргашева, М. К., & Нематов, А. Н. (2016). ГЕОРГАФИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЭФФЕКТИВНОГО ИСПОЛЬЗОВАНИЯ КУЙИМАЗАРСКОГО И ТУДАКУЛЬСКОГО ВОДОХРАНИЛИЩ. Учёный XXI века, (9 (22)), 20-22.
18. Qalandarova, D. (2021). Vuxoro viloyatidagi cho'l hududlari aholi manzilgohlari rivojlanishining ayrim jihatlari: Shahar, aholi manzilgohlari, cho'l, urbanizatsiya, rurbanizatsiya. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 5(5).
19. Qalandarova, D. (2021). In this article, information related to the agriculture of Kharavulbazar and its perspectives of development and its some problems as well as solutions is described. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 5(5).
20. Ahmadovich, T. N., Kosimovich, H. Y., Azamovna, J., & Ahmedjanovna, N. F. (2020). The Formation of Water Collector-Resources Drainage Network of Zarafshan Oasis and the Questions of Recycling. TEST Engineering & Management, 27380-2738.
21. Hayitov, Y. K., & Toshbekov, N. A. (2021). Efficient Use Of Collector-Drainage Networks (On The Example Of Bukhara Region). The American Journal of Agriculture and Biomedical Engineering, 3(02), 10-15.
22. Khayitov, Y. K., Toshbekov, N. A., & Zhumaeva, T. A. (2019). Criteria and scales of the secondary use of collector-drainage waters (on the example of the Bukhara oasis). Bulletin of the Karakalpak branch of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, 55-58.
23. Khayitov, Y. K., & Toshbekov, N. A. (2014). ON SOME HYPOTHESES OF RETURN WATER. The Way of Science, 39.

24. Khayitov, Y. K., Toshbekov, N. A., & Zhumaeva, T. A. Hydrological Assessment Of The Meliorative Condition Of Collector Drink Water In Bukhara Region. Nature and Science.

25. Ahmadovich, T. N., Kasimovich, H., & Azamovna, J. T. EFFICIENT USE OF WATER RESOURCES OF THE AMU-BUKHARA CANAL. ACADEMIK. An International multidisciplinary Research Journal, 30, 2020-15.